Tadqiqot.uz

SAMARQAND VETERINARIYA MEDITSINASI INSTITUTI

ISSN 2181-1008

DOI 10.26739/2181-1008

ВЕТЕРИНАРИЯ ТИББИЁТИ ВА ЧОРВАЧИЛИК БЮЛЛЕТЕНИ

1 ЖИЛД, 1 СОН

ВЕСТНИК ВЕТЕРИНАРИИ И ЖИВОТНОВОДСТВА

ТОМ 1, НОМЕР 1

BULLETIN OF VETERINARY AND LIVESTOCK

VOLUME 1, ISSUE 1

ТОШКЕНТ-2021

ВЕТЕРИНАРИЯ ТИББИЁТИ ВА ЧОРВАЧИЛИК БЮЛЛЕТЕНИ

ВЕСТНИК ВЕТЕРИНАРИИ И ЖИВОТНОВОДСТВА | BULLETIN OF VETERINARY AND LIVESTOCK

№1 (2021) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-1008-2021-1

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

А.С. Даминов
Узбекистан

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Х.Б. Юнусов
Узбекистан

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

А.Р. Курбонов
Узбекистан

Маъсул котиб | Ответственный секретарь | Responsible secretary:
Н.Б. Дилмуродов, Самарканд, Узбекистан

Таҳририят аъзолари:
Редакционный коллегия:
Editorial board:

Б. Т. НОРКОБИЛОВ
Ташкент, Узбекистан

Ш. А. ДЖАББАРОВ
Ташкент, Узбекистан

Б. А. ЭЛМУРАДОВ,
Ташкент, Узбекистан

Н. А. БОБОКУЛОВ,
Ташкент, Узбекистан

А. А. НУРМАТОВ,
Ташкент, Узбекистан

Б. Б. БАКИРОВ
Самарканд, Узбекистан

Х. Б. НИЁЗОВ,
Ташкент, Узбекистан

Р. Б. ДАВЛАТОВ,
Ташкент, Узбекистан

Э. С. ШАПТАКОВ
Ташкент, Узбекистан

Х. С. САЛИМОВ
Самарканд, Узбекистан

М. А. РУЗИМУРАДОВ,
Ташкент, Узбекистан

Таҳририят кенгаши:
Редакционный совет:
Editorial Board:

Д. А. АЗИМОВ
Ташкент, Узбекистан

А. И. ЯТУСЕВИЧ
Минск, Республика Беларусь

Д. А. ДЕВРИШОВ
Москва, Российская Федерация

Ю. А. ЮЛДАШБОЕВ
Москва, Российская Федерация

Д. Н. ФЕДОТОВ
Минск, Республика Беларусь

К. Н. НОРБОЕВ
Самарканд, Узбекистан

С. Ю. ЮСУПОВ
Самарканд, Узбекистан

Х. А. ХАМДАМОВ
Ташкент, Узбекистан

А. А. ЭЛМУРАДОВ
Самарканд, Узбекистан

Б. Д. НАРЗИЕВ
Самарканд, Узбекистан

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Юнусов Х.Б., Салимов Ю., Нуруллаев А.А.
ТЕХНОГЕН ОМИЛЛАРНИ МАҲСУЛДОР ҲАЙВОНЛАР ОРГАНИЗМИГА ЎЗИГА ХОС ТАЪСИРЛАРИ.....4

2. Даминов А.С., Уроков К.Х., Маматқулова Н.И.
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ҚОРАМОЛЛАРИ ОРАСИДА ТРЕМАТОДОЗ ВА ЭХИНОКОККОЗНИ ТАРҚАЛИШ ДИНАМИКАСИ.....9

3. Дилмуродов Н., Мухторов Э.
ТУРЛИ ЯШАШ ШАРОИТИДАГИ ҲИСОРИ ЗОТЛИ ҚЎЙЛАР ПОСТНАТАЛ ОНТОГЕНЕЗИДА ОЁҚЛАР ПРОКСИМАЛ МУСКУЛЛАРИНИНГ МОРФОМЕТРИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....15

4. Matchanov A.D., Sultonova K., Islomov A.X., Xodjaeva N.D., Kushiev X.X.
LAGOCHILUS INEBRIANS IN VITRO SHARTLARIDA MIKROCLONAL KO'PIRISH…….....20

5. Шерназаров Ш.Ш., Ходжаева Н.Ж., Жўрабоева Д.Н., Мустофоқулова Ф.Б.
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИДА БОҚИЛАДИГАН ЎТХЎР БАЛИҚЛАРНИ ФИТОПЛАНКТОНЛАР БИЛАН ОЗИҚЛАНТИРИШ.....26

6. Ачилов О., Алессандра Гуиди
КАЧЕСТВО И БЕЗОПАСНОСТЬ ЗАРАЖЕННОГО МЯСА ОВЕЦЫ ЭХИНОКОККОЗ В УЗБЕКИСТАНЕ.....32

7. Давлатов Р.Б., Хўжахонов Ш.И., Бердиев Х.Р.
ТОВУҚ КОЛИБАКТЕРИОЗИНИНГ КИМЁПРОФИЛАКТИКАСИДА ОФЛОСАННИНГ САМАРАДОРЛИГИ.....41

8. Ишниязова Ш.А., Рўзиқулов Н.Б.
БАЛИҚЛАРНИНГ ОРГАН ВА ТЎҚИМАЛАРИДА ТОКСИК ЭЛЕМЕНТЛАР МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ…….....48

9. Эшбуриев С.Б., Қосимов С.Ж., Бадирова К.А., Шомуродов М.А.
БАЛИҚЛАРДА ОҚСИЛЛАР АЛМАШИНУВИ БУЗИЛИШЛАРИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ.....52

10. Хамрақулов Н.Ш., Элмуродов Б.А., Эшбуриев С.Б.
ТОВУҚЛАРДА МИНЕРАЛЛАР АЛМАШИНУВИ БУЗИЛИШЛАРИНИНГ КЛИНИК БЕЛГИЛАРИ.....59

ВЕТЕРИНАРИЯ ТИББИЁТИ ВА ЧОРВАЧИЛИК БЮЛЛЕТЕНИ
ВЕСТНИК ВЕТЕРИНАРИИ И ЖИВОТНОВОДСТВА
BULLETIN OF VETERINARY AND LIVESTOCK

УЎК. 636.31:591.4:591.471.3

Насриддин Дилмуродов
Самарқанд ветеринария медицинаси институти
Элмурод Мухторов
Самарқанд ветеринария медицинаси институти

ТУРЛИ ЯШАШ ШАРОИТИДАГИ ҲИСОРИ ЗОТЛИ ҚЎЙЛАР ПОСТНАТАЛ ОНТОГЕНЕЗИДА ОЁҚЛАР ПРОКСИМАЛ МУСКУЛЛАРИНИНГ МОРФОМЕТРИК ХУСУСИЯТЛАРИ

http://dx.doi.org/10.26739/2181-1008-2021-1-3

АННОТАЦИЯ

Ҳисори зотли қўйлар постнатал онтогенезининг турли физиологик босқичларида олдинги ва орқа оёқ проксимал бўғимларига таъсир кўрсатувчи айрим мускулларнинг морфометрик ўлчамлари ўрганилган ва кўрсаткичларни постнатал онтогенезнинг дастлабки 3 ойлигига қадар жадал ортиши, ўрганилган барча ёшдагиларга нисбатан эса 18 ойлик босқичда энг юқори кўрсаткични намоён қилиши, шунингдек ушбу кўрсаткичларни ўсиш динамикасига табиий яшаш шароити бевосита таъсир кўрсатиши натижасида у адекват шароитдаги ҳайвонларда ноадекват шароитдагиларга нисбатан юқори бўлиши аниқланган.

Калит сўзлар: ҳисори зотли қўйлар, постнатал онтогенез, адекват шароит, ноадекват шароит, олдинги оёқ, орқа оёқ, проксимал бўлим, мускул, ўсиш коэффициенти, абсолют кўрсаткич, морфометрик, чизиқли ўлчам, оғирлик.

Насриддин Дилмуродов
Самарканский институт ветеринарной медицины
Элмурод Мухторов
Самаркандский институт ветеринарной медицины

МОРФОМЕТРИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПРОКСИМАЛЬНЫХ МУСКУЛОВ В ПОСТНАТАЛЬНОМ ОНТОГЕНЕЗЕ ОВЕЦ ГИССАРСКОЙ ПОРОДЫ РАЗНЫХ УСЛОВИЙ ОБИТАНИЯ

АННОТАЦИЯ

Изучены морфометрические показатели некоторых мускулов, действующих на суставы проксимального отдела грудных и тазовых конечностей в разные физиологические периоды постнатального онтогенеза овец гиссарской породы, и выявлено интенсивное повышение показателей до 3-месяца и самые высокие показатели отмечены в 18-месячном возрасте, чем у остальных изученных возрастов постнатального онтогенеза, также вследствие непосредственного влияния естественных условий обитания на динамику развития этих показателей мускулов оно высшее у овец адекватных условий, чем неадекватных.

Ключевые слова: овец гиссарских пород, постнатальный онтогенез, адекватная условия, неадекватная условия, грудной конечность, тазовый конечность, проксимальный отдел, мускул, коэффициент роста, абсолютный показатель, морфометрический, линейные параметры, масса.

Nasriddin Dilmurodov
Samarkand Institute of Veterinary Medicine
Elmurod Mukhtorov
Samarkand Institute of Veterinary Medicine

MORPHOMETRIC FEATURES OF PROXIMAL MUSCLES IN POSTNATAL ONTOGENESIS OF SHEEP OF THE GISSAR BREED IN DIFFERENT HABITATS

SUMMARY

The morphometric indicators of some muscles acting on the joints of the proximal thoracic and pelvic extremities were studied in different physiological periods of postnatal ontogenesis of the Hissar sheep, and an intensive increase in indicators up to 3 months was revealed, and the highest indicators were noted at 18 months of age than in the rest of the studied ages. postnatal ontogenesis, also due to the direct influence of natural living conditions on the dynamics of the development of these indicators of muscles, it is higher in sheep in adequate conditions than inadequate ones.

Key words: sheep of Hissar breeds, postnatal ontogenesis, adequate conditions, inadequate conditions, thoracic limb, pelvic limb, proximal section, muscle, growth rate, absolute index, morphometric, linear parameters, weight.

Кириш. Соматик мускулларнинг морфометрик ўлчамлари уларнинг танада жойлашиши ва ишлаш кўламига боғлиқ бўлиши билан бир қаторда, уларга кўп жиҳатдан организмларнинг табиий яшаш шароити, географик рельефнинг хусусиятлари ҳам таъсир кўрсатади. Ҳайвонлар постнатал онтогенезининг турли физиологик босқичларида соматик мускулларнинг ўсиш динамикаси қонуниятларини ўрганиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ҳайвон танасининг алоҳида қисмларини бир хилда ўсмаслиги илмий асосланган бўлиб, шунинг учун гўштдорликнинг шаклланишини аниқлаш гавданинг анатомик тузилишини баҳолашдан келиб чиқиши мақсадга мувофиқ [9]. Гўштдорликни шаклланишининг морфологик жиҳатлари эдильбаев зотли қўйлар мисолида ўрганиш натижаларига кўра, ёш қўйлар ўсишининг бирмунча жадал кечиши туғилган кунидан 4 ойликка қадар бўлган даврда кузатилади, 6 ойликдан бошлаб эса ҳайвоннинг сўйим сифати юқори ва гўшт-суяк нисбатини меъёрда бўлиши билан характерланади [8]. Муаллиф томонидан ҳайвоннинг ёшига кўра ҳар хил мускулларнинг микротузилмасини таҳлил қилиш ёрдамида мускул, ёғ ва бириктирувчи тўқималарни ривожланиш динамикаси тақдим этилган бўлиб, мускул толаларини секин-аста йўғонлашиши, 10-ойда эндомизий ва перимезий қатламларини қалинлашиши, 12-ойда эса липоцитларнинг ўзаро ёпишиши ва қалин қатлам ҳосил қилиши аниқланган.

Мускуллар оғирлигини ҳайвонларнинг жинсига кўра тафовутлари ўрганилганда [10], цигай зотига мансуб 4 ойлик қўчқорчалар скелетининг ўқ қисми мускулларини оғирлиги урғочиларникига нисбатан 7,3 % га, 8 ойликда 8 % га, 12 ойликда эса 14,4 % га юқори бўлиши қайд этилган.

Бир қатор муаллифлар сўйим оғирлиги ва сўйим чиқимини, майдалашда эса гавдада суяк ва гўшт нисбатини аниқлашган [2, 4, 7].

Кўндаланг-тарғил мускул тўқимаси миотом ҳужайларидан ривожланиб, миотомларнинг дифференциацияси жараёнида икки типдаги тузилма, яъни мускул тўқимаси скелетининг асосида ётувчи миосимпластлар ва миосателлоцитлар шаклланади [11]. Муаллифнинг маълумотларига кўра, мускулларнинг асосий таркибий қисми мускул толалари ҳисобланиб, унинг узунлиги 12 см гача етиши мумкин. Мускул толаси уни бириктирувчи

тўқимадан ажратиб турувчи базал мембранада ётади ва миосимпласт плазмолеммага эга бўлиб, у базал мембрана билан биргаликда сарколемма, деб аталувчи тузилмани ҳосил қилади.

Бир қатор тадқиқотчилар [1, 3, 5, 6, 13] томонидан соматик мускулларнинг морфологик тузилиши ўрганилган бўлиб, уларнинг маълумотларига кўра, бирламчи мускул тутамлари орасида бирмунча қалинроқ бириктирувчи тўқимадан тузилган қатлам, яъни перимезий жойлашади ва уларни иккиламчи, учламчи тутамлар билан ва охир оқибатда битта яхлит мускулга бирлаштиради.

Мускул толалари миқдорининг камлиги гипертрофия даражасининг юқори бўлиши билан коррелятив боғлиқлиги мавжуд бўлишига қарамасдан, мускулларнинг кучли гипертрофияси толаларни физикавий оғирликка чидамлилик имкониятини пасайтириши, ўз навбатида стрессларга берилувчанлигини ошириши ва гўшт сифатини ёмонлашишига сабаб бўлиши тадқиқотчилар [12] илмий изланишларида ўз исботини топган.

Текшириш усули ва материаллари. Тадқиқот ишлари Сурхондарё вилоятининг адекват – Бойсун тумани, “Бойсун теракли” фермер хўжалиги ҳамда ноадекват – Сариосиё тумани, “Сурхон ҳисор қўйлари” фермер хўжалиги, Узун тумани “Д Рўзибадал Шохрух” фермер хўжаликларидаги ҳисори зотли қўйлар олдинги ва орқа оёқ проксимал бўлим бўғимларига таъсир кўрсатадиган мускуллар устида олиб борилди. Илмий текширишлар учун постнатал онтогенезнинг 3 кунлик, 3, 6, 12, 18, 36, 60 ойлик босқичларидаги ҳайвонлар олдинги ва орқа оёқларининг проксимал мускуллари олинди.

Мускулларнинг морфометрик кўрсаткичларини аниқлашда Н.П.Чирвинский томонидан қўлланилган ва жорий қилинган умумморфологик услублардан фойдаланилди.

Илмий текширишлар натижасида олинган барча рақамий маълумотлар Е.К.Меркурьева услуби бўйича математик ишловдан ўтказилди.

Мускулларнинг ёшига қараб ўзгариш динамикасини аниқлаш учун ўсиш коэффициенти (К) К.Б.Свечин томонидан ишлаб чиқилган формула ёрдамида аниқланди.

Математик-статистик таҳлил Стьюдент ва Фишер мезонлари ёрдамида компьютернинг Microsoft Excel электрон жадвалида бажарилди.

Олинган натижалар ва унинг муҳокамаси. Илмий текширишлар натижасида адекват ва ноадекват табиий шароитларда парвариш қилинган ҳисори зотли қўйлар олдинги ва орқа оёқлари проксимал қисми бўғимларига таъсир этувчи мускулларнинг чизиқли ўлчамлари ва абсолют оғирликлари постнатал тараққиётнинг турли физиологик босқичларида анатомо-топографик ҳолати, бажарадиган вазифасининг кўлами ҳамда ҳайвонларнинг табиий яшаш шароитига кўра ўзига хос ўзгариш динамикасини намоён қилиши кузатилди.

Адекват табиий шароитда парвариш қилинган ҳисори зотли қўйлар олдинги оёғи елканинг икки бошли мускули узунлигининг абсолют ўлчами постнатал онтогенезнинг дастлабки 3 кунлигида 12,86 ± 0,25 см бўлиб, 6 ойликка қадар жадал ортиб бориши, яъни 3 ойликда 15,56 ± 0,3 см ($p < 0,02$), 3 кунликдагига нисбатан ўсиш коэффициентини 1,20 мартагача, 6 ойликда 15,74 ± 0,59 см ($К = 1,01$; $p < 0,04$) га етиши, 12 ойликда эса бу кўрсаткични 13,94 ± 0,21см гача пасайиши ($К = 0,88$), 18 ойликда бошқа ёшдагиларга қараганда энг юқори даражага кўтарилиши (17,52 ± 0,24 см, $К = 1,25$) қайд этилди. Мускулнинг мазкур кўрсаткичини 36 ойлик қўйларда сезиларли камайиши (14,64 ± 0,24 см), 60 ойликда 16,0 ± 0,18 см гача кўтарилиши ($p < 0,01$), постнатал ривожланишнинг ўрганилган 3 кунлигидан 60 ойлигига қадар унинг ўсиш коэффициентини 1,24 мартага ортиши кузатилди.

Елканинг икки бошли мускули оғирлигининг абсолют кўрсаткичи адекват шароитдаги ҳисори зотли қўйлар постнатал онтогенезининг 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар жадал ортиб, 4,12 ± 0,08 г дан 15,84 ± 0,27 г ($p < 0,02$) га, шу давр ичида ўсиш коэффициентини 3,84 мартага етиши ва ушбу жараён 18 ойлик босқичгача давом этиб, 6 ойликда – 18,3 ± 0,37 г ($К = 1,15$; $p < 0,02$) ни, 12 ойликда – 21,8 ± 0,74 г ($К = 1,19$) ни, 18 ойликда – 28,7 ± 0,57 г ($К = 1,31$; $p < 0,02$) ни ташкил этиши, 36 ойликда уни 23,6 ± 0,57 г гача камайиши ($К = 0,82$) ҳамда 60 ойликда 29,0 ± 0,79 г ($p < 0,03$) га тенг бўлиши қайд этилди. Ушбу мускул оғирлигининг асболют кўрсаткичини ўсиш коэффициенти қўйлар постнатал онтогенезининг ўрганилган босқичлари давомида 7,03 мартани ташкил этди.

Ноадекват шароитдаги ҳисори зотли қўйлар олдинги оёғи елканинг икки бошли мускули узунлигининг абсолют ўлчами постнатал онтогенезнинг 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар 12,12 ± 0,17 см дан 14,5 ± 0,25 см ($p < 0,02$) га, шу давр ичида ўсиш коэффициентини 1,19 мартагача ортиши, 6 ойликда деярли ўзгармасдан, 18 ойликда эса бошқа ёшдагиларга қараганда энг юқори даражани (16,7 ± 0,25 см, К = 1,22; $p < 0,02$) намоён қилиши кузатилди. Мускулнинг ушбу кўрсаткичи 36 ойлик қўйларда сезиларли пасайиб (13,12 ± 0,16 см; $p < 0,01$), 60 ойликда уни 15,44 ± 0,27 см (К = 1,17; $p < 0,02$) га кўтарилиши, постнатал онтогенезнинг 3 кунлигидан 60 ойлигига қадар бўлган давр мобайнида 1,27 мартага етиши қайд этилди.

Ноадекват табиий шароитда парвариш қилинган ҳисори зотли қўйлар елканинг икки бошли мускули оғирлигининг абсолют кўрсаткичи постнатал онтогенезнинг 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар 3,76 ± 0,08 г дан 14,66 ± 0,29 г гача ошиб (К = 3,89; $p < 0,02$), 6 ва 12 ойликларда бу жараённи деярли бир маромда давом этиши 18 ойликда энг юқори даражани (28,82 ± 0,66 г, К = 1,43; $p < 0,03$) намоён қилиши кузатилди. Мускул оғирлигининг абсолют кўрсаткичи 36 ойлик қўйларда 21,1 ± 0,62 г (К = 0,73) гача камайиб, 60 ойликда сезиларли кўтарилиши (27,2 ± 0,84 г, К = 1,28; $p < 0,03$), постнатал онтогенезнинг ўрганилган 3 кунлигидан 60 ойлигигача унинг ўсиш коэффициентини 7,23 мартага етиши қайд этилди.

Адекват табиий шароитда парвариш қилинган ҳисори зотли қўйлар катта болдир суягининг олдинги мускули узунлигининг абсолют ўлчами постнатал онтогенезнинг 3 кунлигидан 3 ойлигигача жадал ортиб, 11,04 ± 0,15 см дан 14,26 ± 0,14 см ($p < 0,01$; К = 1,29) га етиши ва бу ҳолатни 18 ойликка қадар давом этиши, яъни 6 ойликда – 14,78 ± 0,19 см ($p < 0,02$; К = 1,03) га, 12 ойликда – 15,66 ± 0,17 см ($p < 0,01$) га, 18 ойликда – 20,58 ± 0,21 см ($p < 0,01$; К = 1,31) га тенг бўлиши, 36 ойликда уни кескин камайиб (15,7 ± 0,18 см; К = 0,76), 60 ойликда эса 19,78 ± 0,26 см ($p < 0,02$; К = 1,25) гача кўтарилиши қайд этилди. Мускул узунлигининг абсолют кўрсаткичини ўсиш коэффициенти қўйлар постнатал ривожланишининг ўрганилган босқичлари мобайнида 1,79 мартани ташкил этиши аниқланди.

Адекват шароитдаги ҳисори зотли қўйлар катта болдир суягининг олдинги мускули оғирлигининг абсолют кўрсаткичи постнатал онтогенезнинг 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар бирмунча жадал ортиб, 9,78 ± 0,28 г дан 15,88 ± 0,31 г ($p < 0,02$; К = 1,62) гача кўтарилиши, 6 ва 12 ойликларда уни сезиларли ўзгармасдан, 18 ойликда бошқа ёшдагиларга нисбатан энг юқори даражани (20,9 ± 0,44 г, $p < 0,02$, К = 1,25) эгаллаши, 36 ойликда 15,88 ± 0,27 г (К = 0,75) га тушиши ва 60 ойликда 18,8 ± 0,37 г ($p < 0,02$) га тенг бўлиши қайд этилди. Мускул оғирлигининг абсолют кўрсаткичини ўсиш коэффициенти қўйлар постнатал ривожланишининг 3 кунлигидан 60 ойлигига қадар бўлган давр ичида 1,91 мартага етиши кузатилди.

Ноадекват шароитдаги ҳисори зотли қўйлар катта болдир суягининг олдинги мускули узунлигининг абсолют ўлчами постнатал онтогенезнинг дастлабки 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар жадал ортиб, 9,86 ± 0,16 см дан 12,94 ± 0,13 см (К = 1,31) гача кўтарилиши, кейинги 6 ва 12 ойликларда уни катта оғишларсиз ўзгариши (мос равишда, 13,86 ± 0,14 см, К = 1,07; 14,78 ± 0,17 см, К = 1,06), 18 ойликда эса бошқа ёшдагиларга қараганда бирмунча юқори (19,22 ± 0,21 см, К = 1,3) бўлиши, 36 ойликда кескин пасайиб (14,38 ± 0,19; К = 0,74), 60 ойликда 18,94 ± 0,2 см ($p < 0,02$; К = 1,31) га етиши кузатилди. Мускул узунлигининг абсолют кўрсаткичини ўсиш коэффициенти қўйлар постнатал ривожланишининг ўрганилган босқичлари мобайнида 1,92 мартага кўтарилиши қайд этилди.

Ноадекват шароитдаги ҳисори зотли қўйлар катта болдир суягининг олдинги мускули оғирлигининг абсолют кўрсаткичи 3 кунликдан 3 ойликка қадар жадал ортиб, 9,3 ± 0,22 г дан 15,08 ± 0,23 г (К = 1,62) га етиши, 6 ойликда бироз камайиши (14,78 ± 0,28 г, $p < 0,02$, К = 0,98), постнатал ривожланишнинг 12 ойлигидан уни кўтарилиши, яъни 12 ойликда – 15,62 ± 0,24 г ($p < 0,02$; К = 1,05) га, 18 ойликда – 19,06 ± 0,29 г (К = 1,22) га тенг бўлиши, 36 ойликда 14,62 ± 0,19 г (К = 0,76) га тушиб, 60 ойликда уни 17,98 ± 0,39 г ($p < 0,03$; К = 1,22) га тенглашиши кузатилди. Мускул оғирлигининг абсолют кўрсаткичини ўсиш коэффициенти қўйлар постнатал онтогенезининг 3 кунлигидан 60 ойлигигача бўлган давр ичида 1,93 мартани ташкил қилиши қайд этилди.

Хулосалар:

- ҳисори зотли қўйлар елканинг икки бошли мускули ва катта болдир суягининг олдинги мускули чизиқли ўлчамлари ҳамда оғирликларининг абсолют кўрсаткичларини улар организмининг физиологик ҳолати билан мутаносиб равишда, яшаш шароитидан қатъий-назар, постнатал ривожланишнинг дастлабки 3 ойлигига қадар жадал ортиши, ўрганилган барча ёшдагиларга нисбатан эса 18 ойлик босқичда энг юқори кўрсаткични намоён қилиши қайд этилди;

- ҳисори зотли қўйлар елканинг икки бошли ва катта болдир суягининг олдинги мускулининг чизиқли ўлчамлари ҳамда оғирлигининг абсолют кўрсаткичларини ўсиш динамикаси уларнинг табиий яшаш шароити билан бевосита боғлиқ бўлиб, у адекват шароитдагиларда ноадекват шароитдагиларга нисбатан бирмунча юқори бўлиши аниқланди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Александровская О.В., Радостина Т.Н., Козлов Н.А. Цитология, гистология и эмбриология, 1987. - М.: Агропромиздат. – С. 145-162; 181-187.
2. Батожаргалов Ц-Д.Р., Цыбиков Б.Б. Откормочные и мясные качества овец забайкальской породы // Овцы, козы, шерстное дело, 2004. - № 1. -С. 22-34.
3. Бойчук Н.В., Исламов Р.Р., Улумбеков Э.Г., Челышев Ю.А. Гистология, 1997. - М.: ГЭОТАР. – С.209-297.
4. Гаджиев З.К. Продуктивность и мясные качества овец разных генотипов карачаевской породы // Зоотехния, 2008. - №2. – С.29-30.
5. Дилмуродов Н.Б., Чориев О.Н. Влияние экологических условий на динамику изменения микроэлементов в составе костей пясти и плюсны в постнатальном онтогенезе // VII глобальная наука и инновации 2019: Центральная Азия. Международный научно-практический журнал. № 2(3). Серия «Медицинские науки». Нур-Султан, Казахстан, 2019. –С. 159-162.
6. Заварзин А.А. Основы сравнительной гистологии, 1985. – Ленинград: изд ЛГУ. – С.236-289.
7. Козачко А.В., Ибрагимов Ю.Н., Завгородняя Г.В., Савченко В.Г. Мясная продуктивность ярок грозненской породы, полученных от маток остриженных в разные сроки // Овцы, козы, шерстное дело, 2003. - № 1. – С. 22-24.
8. Митрофанова Т.В. Морфологические аспекты формирования мясности у овец эдильбаевской породы в постнатальном онтогенезе // Проблемы отрасли овцеводства и перспективы её развития в Среднем Поволжье: Матер. научн. и практ. конф. Пенза, 2001 – С. 82-83.
9. Никитченко В.Е., Никитченко Д.В. Зависимость морфологического состава туш овец от массы и категории их упитанности // Мясная индустрия. – 2008. – №5. – С. 39-41.
10. Шкилев П.Н., Никонова Е.А. Динамика роста мышц и костей молодняка овец в зависимости от возраста, пола и физиологического состояния // Известия Оренбургского государственного аграрного университета, 2009. - № 1. – С. 91 – 92.
11. Юрина Н.А., Радостина А.И. Гистология. Учебник. 1995. – М.: Медицина. – 256 с.
12. Lengerken G., Wicke M., Maak S. Stress susceptibility and meat quality-situation and prospects in animal breeding and research // Arch. Anim. Breed, 1997. 40. 163 - 171.
13. Totland K., Ulriksen D., Slinde F. Connective tissue: connect and
1. arrandgement of peremysium in bovine muscle with special emphasis elastin / 31-th Europ. Meet of Res. Workers/ 1985 – p.216 - 219.

ISSN 2181-1008

DOI 10.26739/2181-1008

ВЕТЕРИНАРИЯ ТИББИЁТИ ВА ЧОРВАЧИЛИК БЮЛЛЕТЕНИ

1 ЖИЛД, 1 СОН

ВЕСТНИК ВЕТЕРИНАРИИ И ЖИВОТНОВОДСТВА

ТОМ 1, НОМЕР 1

BULLETIN OF VETERINARY AND LIVESTOCK

VOLUME 1, ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000